

“КЕЛАЖАК ЎҚИТУВЧИСИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Жабборова Онахон Маннаповна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: мақолада “Келажак ўқитувчиси” инновацион илмий-тадқиқот лабораторияси ва унинг фаолият мазмуни тўғрисида фикр юритилган.

Калим сўзлар: таълим, тадқиқот, лаборатория, ўқитувчи, фаолият, инновация, мазмун, усул, ёндашув.

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКАЯ ЛАБОРАТОРИЯ “КЕЛАЖАК ЎҚИТУВЧИСИ” И ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

Жабборова Онахон Маннаповна

Чирчикский государственный педагогический институт

Ташкентской области

Аннотация: в статье размышлено о инновационные научные-исследовательские лаборатории «Келажак ўқитувчиси» и его основы деятельности.

Ключевые слова: образование, исследование, лаборатория, учитель, деятельность, смысл, стиль, подходы.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги видеоселектр йиғилишида олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини кучайтириш ва олий таълим жараёнида талабаларнинг илмий тафаккурини талаб даражасида шакллантиришга доир кўйган вазифаларининг ТВЧДПИ “Бошланғич таълим” кафедраси томонидан ижроси таъминланишга киришилди. Бу борада Институт ректоорининг 2021 йил 5 июлдаги “Институтда илмий салоҳиятни ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилиниб, унда кафедрамиз ҳузурида “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди.

Ҳозирги замон ўқитувчисига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгилаб берилган[1]. Мазкур Қарорда ҳозирги замон ўқитувчиларига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилган:

- касбий талаблар;
- ижтимоий талаблар;
- шахсий талаблар.

Мазкур талаблар мажмуи ва уларни бўлажак ўқитувчиларда шакллантириш муаммолари “Бошланғич таълим” кафедраси ҳузуридаги “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси томонидан тадқиқ этилади ва мазкур муаммонинг ечимлари бўйича илмий-амалий ҳамда инновацион тавсиялар ишлаб чиқилади.

“Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораториясининг асосий мақсади бошланғич таълим муаммоларини, келажак ўқитувчисига қўйиладиган касбий, ижтимоий ҳамда шахсий талабларни инновацион, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқи этишдан иборат. Илмий-тадқиқот лабораториясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич таълим муаммоларини инновацион ёндашувлар асосида тадқиқ этиш;

- келажак ўқитувчисига қўйиладиган касбий, ижтимоий ва шахсий талабларни илмий-амалий ва инновацион жиҳатдан тадқиқ этиш, мазкур талаблар асосида бўлажак ўқитувчиларни шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш;

- кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва тадқиқот ишларининг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

- илмий ишларни тижоратлаштириш ва илмий фаолият субъектларидан самарали фойдаланиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш;

- кафедрага инвестициялар жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- кафедранинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бошланғич таълим бўйича илмий мактаблар яратиш ва улар асосида Келажак ўқитувчисининг фаолият асосларини амалий яратиш;

- кафедранинг таълим, тарбия ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги ютуқларини илмий асосларда тарғибот қилиш ва оммалаштириб бориш;

- бошланғич таълимга халқаро таълим дастурларини жорий этишга доир илмий-амалий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг халқаро нуфузли илмий журналларда мақолаларини нашр этиш ва кафедрада h-индекси юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини ошириб бориш;

- иқтидорли талабаларни бошланғич таълим муаммоларини тадқиқ этишга кенг жалб этиб бориш ва уларнинг ютуқларини рағбатлантириш;

- кафедранинг иқтидорли ёш профессор-ўқитувчиларини “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ёш олимлар билан ишлаш дастурлари орқали нуфузли хорижий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларига малака оширишга ва стажировка ўташига юбориш;

- халқаро ҳамкорликда бошланғич таълим муаммолари бўйича форумлар, конференциялар ва семинарлар ўтказиш.

Эътибор берилса, илмий-тадқиқот лабораториясининг мақсад ва вазибалари олий бошланғич таълим жараёнини кучайтиришга ва бўлажак ўқитувчиларни замонавий талабалар асосида тайёрлашнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

“Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси фаолиятига қуйидаги таркиб жалб этилади:

- кафедранинг профессор-ўқитувчилари;

- мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тажрибали илмий мутахассислар;

- иқтидорли талабалар;

- таълим тизимининг амалий фаолиятдаги ўқитувчилари.

Мазкур иштирокчилар томонидан тадқиқ этилган илмий ишланмалар Тошкент вилоятининг умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов ишларидан ўтказилади. Тажриба-синов ишлари натижалари асосида илмий ишлар такомиллаштирилиб, мақола, монография ва ўқув-услубий қўлланмалар шаклида нашр этилиб, оммалаштирилади.

“Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораториясининг илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларида қуйидаги манбаларга асосланиш мўлжалланган:

- миллий педагогик мерос;

- педагогик олимларнинг илмий-тадқиқотларида баён қилинган назарий қарашлар ва методик тавсиялар;

- халқаро таълим дастурларида қўйилган талаблар;
- эмперик материаллар асосида олинган маълумотлар ва ахборотлар.

Мазкур манбалар асосида амалга ошириладиган илмий ишланмаларнинг асосий эътибори олинган натижаларни амалиётга жорий этишга мўлжалланади. Шу сабабли илмий-тадқиқот лабораториясининг иш фаолияти мунтазам равишда таҳлил, кузатув, суҳбат, сўровнома ва ўрганиш методлари асосида ташкил қилиб борилади. Бу борада Институтда муайян тажрибалар тўпланган бўлиб, улардан оқилона фойдаланилади. Лабораториянинг амалий базаси сифатида кафедра томоиндан ташкил этилган “Мактаб-лаборатория” ҳамда “Ўқиш ва математик саводхонлик” инновацион тузилмалари олинади. Мазкур тузилмалар лаборатория илмий-тадқиқотлари учун тажриба-синов майдончаси бўлиб хизмат қилади[2].

Шундай қилиб “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси инновацион характердаги тузилма бўлиб, унинг фаолият натижасида биз ҳар томонлама профессионал ўқитувчини шакллантириш асосларига эга бўламиз. Бунинг натижасида пировардида “Профессоинал ўқитувчи профессиограммаси” ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // www.ziynet.uz
2. Жабборова О.М. Ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўқув фанларини танлаш тамойиллари. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 2021.
3. Norimbetova, Z. A. (2020). Axborot kommunikatsion texnologiyalari yordamida geometriya fanini o'qitish metodikasi (10-11-sinflar misolida). *Science and Education*, 1(7).
4. Narimbetova, Z. A. (2020). Matematika fanida ta'lim texnologiyalaridan foydalanish o'quvchilar tafakkurining rivojlantiruvchi omil. *Academic research in educational sciences*, 1(3), 1253-1261.

5. Narimbetova, Z., Makhmudova, D. (2020). Developing creative competence through the formation of scientific generalization in students. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* ISSN, 1475-7192.

6. Наримбетова, З. А. (2020). Изучение Элементов Фрактальной Геометрии Как Средства Интеграции Знаний По Математике И Информатике В Образовательный Процесс Учащихся Средней Школы. *International Journal of Scientific & Technology Research*, 9(4), 677-682

7. Narimbetova, Z. A. The Study of the Elements Of Fractal Geometry As A Means Of Integrating Knowledge In Mathematics And Computer Science In The Educational Process Of A Secondary School Students. *International journal of scientific & technology research*, 9(4), 677-682.